
Тумандаги "Шунқор" фуқаролар йиғинида ҳам маҳалла ободлиги йўлида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда

Фурқат тумани "Шунқор" маҳалла фуқаролар йиғинида 1050 та хонадонда 4 494 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада 7 та, Мадҳия, Боғзор, Боғзор-1, Нафосат, Обод маскан, Ойдин, Коинот кўчалари мавжуд.

Айни кунларда "Шунқор" маҳалла фуқаролар йиғинида ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллага 15,5 км ичимлик сув тармоғи тортиш, 2 та сув минораси ўрнатиш ишлари якунланиб, сув насосларини ўрнатиш учун ҳар бирига алоҳида 2 та трансформатор ўрнатилди. Ҳозирда таянч устунлар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада маҳалладаги 750 та хонадонда 3 194 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Аҳоли вакилларининг таъкидлашича шу кунларда бошланиши кутилаётган "Ташаббусли бюджет" жараёнида фаол иштирок этишда каттаю-кичик бирдамликда ҳаракат қилинмоқда.

2023-08-10 18:53:56